Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил
24 августдаги 928-сон қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг РЕГЛАМЕНТИ

Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади)нинг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, ваколатларини амалга ошириш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. МСК фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

2. МСК – конституциявий мақомга эга бўлган, доимий фаолият кўрсатувчи давлат органи ҳисобланади ва ўз ваколатига оид масалаларни мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик принциплари асосида кўриб чиқиб, мустақил равишда ҳал этади.

3. МСК юридик шахс ҳисобланиб, ўз номи ёзилган, Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва ўз рамзига эга.

4. МСКнинг “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” деб номланган журналлари ўзбек, рус тилларида чоп этилади ва расмий ахборот тарқатувчи манба ҳисобланади.

МСК ўзининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий веб-сайтига (www.elections.uz) эга.

II. Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши

5. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиясига кўра, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси тегишли гувоҳномага эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ва унинг ўринбосарининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Марказий сайлов комиссияси бошқа аъзоларининг гувоҳномаси эса Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси томонидан имзоланади.

6. МСК аъзоси унинг қарорига биноан комиссияда доимий асосда ишлаши мумкин. МСКнинг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Марказий сайлов комиссияси аъзоларига Қонунчилик палатаси депутатларига, Сенат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади.

7. МСК аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тугатилиши мумкин:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

қонунга кўра аъзолик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган бўлса;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

вафот этганда.

III. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва раҳбарияти

8. МСК Раиси:

МСКнинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

МСКнинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

МСКнинг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органларининг, сиёсий партияларнинг ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларини таклиф этади;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда МСК номидан иш юритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

МСКнинг қарорларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

МСКнинг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайди ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

тегишинча Қонунчилик палатасининг ва Сенатнинг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунига қадар унда раислик қилади.

МСК Раисининг ўз ваколатларини бажариши имкони бўлмаганда, шунингдек Раис бўлмаган тақдирда, Раиснинг вазифалари Раис ўринбосарининг ёки МСК қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

9. МСК Раисининг ўринбосари:

МСК Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини бажаради;

кадрлар билан ишлашни ташкиллаштиради;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар, шу жумладан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ишларни мувофиқлаштиради;

МСК, жойларда сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича, шу жумладан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг малакасини ошириш ишини мувофиқлаштиради;

оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиш ва комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритиш ишларини ташкиллаштиради;

хорижий мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилади;

МСК Раисининг топшириқларини бажаради;

ўз ваколатлари доирасида топшириқлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида, ушбу Регламентда белгиланган ҳамда вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

МСК Раиси ўринбосари МСК аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан лавозимидан озод қилиниши мумкин.

10. МСК котиби:

Котибият ишига раҳбарлик қилади, унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан МСК Раисига таклифлар киритади;

истиқболли ва жорий ишларни режалаштиришни ташкил қилади, режалаштирилган тадбираларнинг ижросини назорат қилади;

ташкилий, таҳлилий ишларни ва МСКнинг моддий-техник таъминоти (хизмат кўрсатиш) масалаларини назорат қилади;

МСК мажлисларига тайёргарлик кўришни, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини таъминлайди;

МСК қарорлари ва бошқа материаллар комиссия аъзолари, сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига етказилишини таъминлайди ҳамда комиссия мажлислари ҳақидаги хабар ва маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ташкиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ишларини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсларнинг рўйхатини ва улар ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини ташкиллаштиради;

Котибият ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилишлари устидан назоратни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил этади;

МСК Раиси ва унинг ўринбосари топшириқларини бажаради;

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида, ушбу Регламентда белгиланган ҳамда вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

МСК котиби ўз ваколатини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда унинг вазифасини МСК Раисининг таклифига мувофиқ, МСК мажлиси қарори билан МСК аъзоларидан бири зиммасига юкланиши мумкин.

МСК котиби МСК аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан лавозимидан озод қилиниши мумкин.

11. МСК аъзолари:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширишда, унинг бир хил тарзда қўлланишини таъминлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий ишларда иштирок этади;

хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида кузатувчи сифатида иштирок этади;

замонавий ахборот–коммуникация технологиялари ютуқларини ўрганиб боради ҳамда уларни сайлов амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

сайлов тизимини такомиллаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишда қатнашади;

сайловлар, референдумлар ва МСКнинг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

комиссия фаолиятига доир материаллар ва ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли;

комиссия мажлиси материалларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда қатнашади; мажлисда сўзга чиқиш, таклифлар киритиш, ўз таклифларини овозга қўйишни талаб қилиш, мажлис иштирокчиларига саволлар бериш ва жавоблар олишга ҳақли;

мажлисларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан овоз беради;

сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, комиссия аъзолари ва сайлов жараёнининг бошқа ташкилотчилари касбий тайёргарлигини ошириш ишларида иштирок этади;

Котибият бўлимлари билан ҳамкорликда ишлайди;

МСК Раиси ва унинг ўринбосари топшириқларини бажаради;

Котибият билан ҳамкорликда МСК қарорлари ижросини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилади, уларнинг мурожаатларини

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида, ушбу Регламентда белгиланган ҳамда вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

МСК доимий асосда ишловчи аъзоси вазифалар таксимотига мувофиқ МСК фаолиятининг тегишли йуналишларига ва Котибиятнинг таалуқли бўлимлари фаолиятига рахбарликни амалга оширади.

IV. Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш

12. МСК фаолият юритиши учун МСК Котибияти ташкил этилади.

Котибият ишига МСКнинг котиби раҳбарлик қилади.

МСК фаолиятининг ташкилий-услубий, ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-маиший, моддий-техник ва бошқа таъминоти Котибият томонидан амалга оширилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва иш тартибини МСКнинг Раиси тасдиқлайди.

13. Котибият ходимларининг ҳуқуқ ва вазифалари, уларни тақдирлаш ва интизомий жавобгарлиги масалалари комиссия қарори билан тасдиқланадиган МСК Котибияти тўғрисидаги Низом ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

14. МСК қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини амалга ошириш учун ишчи гуруҳлари тузиши мумкин**.**

V. МСК мажлисини ўтказиш, мажлисларда овоз бериш ва қарор қабул қилиш

15. МСК ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари ҳисобланади ва улар заруратга қараб ўтказилади. МСК аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда мажлис ваколатли ҳисобланади.

МСК мажлиси Раиснинг ташаббуси билан ёки МСК аъзолари умумий таркибининг учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

16. МСК мажлислари у жойлашган бинода, сайёр ёки “видео-конференция” шаклида ўтказилади.

17. Комиссиянинг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этишлари мумкин.

18. МСК мажлиси муҳокамасига киритилаётган масалалар бўйича ҳужжатларнинг тайёрланиши учун жавобгарлик Котибиятнинг тегишли бўлимлари ҳамда Котибият раҳбари зиммасида бўлади.

19. МСК мажлислари кун тартибига киритилиши мўлжалланган масалаларни тайёрлаш учун олимлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда МСК аъзолари, Котибият масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

20. Мажлисда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар, уларни кўриб чиқиш навбати, ҳар бир масалани ёритиб бериш учун масъул маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек, бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

21. Котибият ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими МСК мажлисида кўриладиган масалалар бўйича хужжатларни мажлис белгиланган кундан камида икки кун олдин МСК Раиси ва аъзоларига тақдим этади ҳамда мажлис ўтказиладиган кун ҳақидаги хабарнома унинг иштирокчиларига камида бир кун аввал юборилади ва таклиф этилган шахсларнинг мажлисда ҳозир бўлишини таъминлайди**.**

22. МСК мажлисини МСК Раис олиб боради.

23. МСК ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади.

МСКнинг барча қарорлари очиқ овоз бериш орқали, МСК аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, МСК Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

МСК аъзоларидан биронтаси мажлисда қатнаша олмаётган бўлса, кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ва хулосасини ахборот – коммуникация технологиялари воситалари орқали билдириши мумкин.

МСК аъзоси мажлис кун тартибидаги масала ёки қарор лойиҳаси юзасидан ўзининг нуқтаи назарини ёзма равишда баён этиш ҳуқуқига эга, унинг алоҳида фикри заруратга қараб МСКнинг барча аъзолари эътиборига етказилади ва муҳокама қилиниб, муносабат билдирилиши мумкин. Бошқа ҳолларда ушбу фикр мажлисда ҳозир бўлган МСК аъзолари эътиборига етказилиб, баённомага илова қилиб қўйилади.

МСК мажлисида қарор лойиҳасини кўриб чиқишда унинг муҳокамасини қолдириши ёки қарор лойиҳасини рад этиши мумкин.

24. МСК қарорлари МСК Раиси томонидан имзоланади ва қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ҳамда МСКнинг расмий веб-сайтида (www.elections.uz)да ўша куннинг ўзида эълон қилинади.

МСК қарорлари, шунингдек, бошқа манбаларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

МСК қарорлари ижро ва маълумот учун манфаатдор вазирлик ва идораларга юборилади.

25. МСК мажлисида Котибиятнинг ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими томонидан баённома юритилади.

Баённомада мажлиснинг кун тартиби, унда қатнашган МСК аъзолари ва бошқа таклиф этилган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, кўриб чиқилган ҳар бир масала юзасидан овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади ҳамда унга қабул қилинган қарор, шунингдек, МСК аъзоларининг муайян масала юзасидан ёзма шаклдаги алоҳида фикрлари (агар бўлса) илова қилинади.

26. МСКнинг мажлисида қабул қилинган қарорларнинг ҳисоби ва уларнинг бажарилиши устидан назорат Котибият ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими томонидан олиб борилади.

VI. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

27. Сайловчилар, номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан сайлов ва референдумга оид МСКга юборилган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси

ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

28. МСКга тушган мурожаатлар МСК Раисининг ёки унинг ўринбосарининг кўрсатмасига асосан МСК Котибияти томонидан кўриб чиқилади.

29. Мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал қилиш МСК ваколатига кирмаса, уни мурожаат юборган шахс хабардор қилинган ҳолда, уч кунлик муддатда тегишли сайлов комиссияси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ёхуд бошқа давлат органи ва ташкилотга МСК котиби томонидан юборилади.

30. МСК ваколатига доир мурожаатлар МСК котибининг таклифига асосан Марказий сайлов комиссияси Раисининг кўрсатмасига биноан кўриб чиқиш учун комиссия мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритилади.

31. Сайловни ёки референдумни ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида тушган ариза ва шикоятлар бўйича қарор уч кунлик муддатда, муддатидан олдин овоз бериш вақтида ёки сайлов куни, шунингдек сайловга камида олти кун қолганида берилган аризалар (шикоятлар) зудлик билан кўриб чиқилиши шарт.

Ариза (шикоят) берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

32. МСК ўз мажлисида мурожаатни кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

мурожаатчининг сайлов ва референдумга оид ҳуқуқлари таъминланиши юзасидан қарор қабул қилиш;

округ ёки участка сайлов комиссияси қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва унинг оқибатлари юзасидан тегишли қарор қабул қилиш;

мурожаатни тааллуқлиги бўйича вилоят, туман (шаҳар), округ ёки участка сайлов комиссиясига кўриб чиқиш учун юбориш;

шикоятни қаноатлантирмаслик.

Кўрилган масала юзасидан қабул қилинган қарор нусхаси мурожаатчига берилади ва МСК веб-сайтида эълон қилинади.

33. Мазмун-моҳияти жиҳатидан айнан ўхшаш шикоят бир вақтнинг ўзида судда кўрилган бўлса, суд қарори қабул қилингунга қадар комиссияда унинг кўрилиши тўхтатиб турилади.

34. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.